

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
JIZZAX VILOYATI  
ZOMIN TUMANI  
OBODONLASHTIRISH  
BOSHQARMASI



БЛАГОУСТРОЙСТВА  
ХОКИМИЯТА  
ЗААМИНСКОГО РАЙОНА  
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Zomin shaharchasi G'. Abdullayev ko'chasi, tel.: 8-372-392-14-49

«14» июл 2022 йил.

№ 79

Зомин ш.

## М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Зомин туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан электрон давлат харидлари ахборот порталига жойлаштирилган Истиклол ҚФЙ Жарқишлоқ кишлоғи 55- мактабга олиб борувчи ички йўлининг 0,59км қисмини жорий таъмирлаш, Лот рақами- 89043 бўлган бошланиш санаси 22-05-2022йил тугаш санаси 27-05-2022йил бўлган эълон; Гулшан ҚФЙ Гулшан кишлоғи Бегойим ва Мироншоҳ кўчаларининг 1,9км қисмини жорий таъмирлаш, Лот рақами- 88517 бўлган бошланиш санаси 22-05-2022йил тугаш санаси 27-05-2022йил бўлган эълон; Бешкуби ҚФЙ Увол кишлоғи ички кўчасининг 1,58км қисмини жорий таъмирлаш, Лот рақами- 88395 бўлган бошланиш санаси 22-05-2022йил тугаш санаси 27-05-2022йил бўлган эълон; Истиклол ҚФЙ Чапарашли кишлоғи ички кўчасининг 1,9км қисмини жорий таъмирлаш, Лот рақами- 94463 бўлган бошланиш санаси 28-05-2022йил тугаш санаси 03-06-2022йил бўлган эълон; Ш.Рашидов МФЙ Наврўз кўчасининг 1,0км қисмини жорий таъмирлаш, Лот рақами- 98331 бўлган бошланиш санаси 03-06-2022йил тугаш санаси 08-06-2022йил бўлган эълон; Халқобод МФЙ Бўстонлик кўчасининг 1,9км қисмини жорий таъмирлаш Лот рақами- 99426 бўлган бошланиш санаси 05-06-2022йил тугаш санаси 10-06-2022йил бўлган эълонлар яқунланган ва Давлат харидлари тўғрисидаги 684-қонуннинг 61-моддасига асосан (Танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушганда харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади) ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаган.

Комиссия раиси:

А.Юсупов

Комиссия аъзолари:

О.Субанов

М.Эшонқулов

А.Дониёров

Ш.Юлдашев

Комиссия котиби:

Р.Шомирзаев



**Zomin tuman “ТЙФУК ” va Zomin tuman obodonlashtirish boshqarmasi o’rtasida 1 796 690 072 (Bir milliard etti yuz to’qson olti million olti yuz to’qson ming etmish ikki) so’mlik Jizzax viloyati Jizzax viloyati Zomin tumani Boymoqli qishloq yo’li (4,0 km)ni joriy ta’mirlash ishlari bo’yicha “pudrat shartnoma” loyihasi xuquqiy ekspertizadan o’tkazish yakuni bo’yicha**

**X U L O S A N ̎ IE54882261**

Zomin tuman yuridik xizmat ko’rsatish markazi boshyuriskonsulti D.Ravshanova tomonidan Zomin tuman “ТЙФУК” va Zomin tuman obodonlashtirish boshqarmasi o’rtasida 1 796 690 072 (Bir milliard etti yuz to’qson olti million olti yuz to’qson ming etmish ikki) so’mlik Jizzax viloyati Zomin tumani Boymoqli qishloq yo’li (4,0 km)ni joriy ta’mirlash ishlari bo’yicha “pudrat shartnoma” loyihasi xuquqiy ekspertizadan o’tkazildi.

Mazkur shartnoma loyihasi qayta tahrirlanib, O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-424-moddalari va “Xo’jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to’g’risida”gi qonun talablariga muvofiqlashtirildi. Shartnoma loyihasida shartnoma predmeti, etkazib beriladigan tovarning miqdori, sifati, assortimenti va bahosi, shartnomaning bajarilish muddatlari, hisob kitob qilish tartibi, taraflarning majburiyatlari, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartibi hamda taraflarning rekvizitlari, shartnoma tuzilgan sana va joyi, tovarlar haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo’lmagan miqdorda oldindan to’lab qo’yish shartlari nazarda tutilgan.

Yuqoridagilarga ko’ra taraflar mazkur shartnoma loyihasini imzolashlari mumkinligi xaqida ijobiy xulosa berildi.

Zomin tuman yuridik xizmat  
ko’rsatish markazi bosh yuriskonsulti:



D.Ravshanova

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 18

“ 13 ” июл 2022 йил

Зомин тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Зомин тумани ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Юсупов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Зомин ТЙФУК номидан Низом асосида иш кўрувчи У.Бўронов иккинчи томондан Жиззах вилояти Зомин тумани Боймоқли қишлоқ йўли (4,0 км)ни жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. Таърифлар

#### 1. Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:

**«иқро ҳужжатлари»:** — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**«қурилиш майдони»:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**«вақтинчалик ишлар»:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**«беркитилган ишлар»:** — сифати ва яқинлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартномани нархини бўлиб чиқини:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турларни қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолдан ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 12 апрел 2022 йил 01/03-05-32/199 хатига асосан тасдиқланган манзилли дастурга асосан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан



Жиззах вилояти Зомин тумани Боймоқли қишлоқ йўли (4,0 км)ни жорий таъмирлаш ишлари экспертиза қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 1 796 690 072 (Бир миллиард етти юз тўқсон олти миллион олти юз тўқсон минг етмиш икки) сўмини ташкил этади.

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

— 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва саклаш;

- Таъмирлаш ишларини бошлашдан олдин, йўлнинг таъмирлаш қисмида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўл ҳаракати хавфсизлиги (ДАН) ҳудудий бўлими билан келишган ҳолда, ҳаракат хавфсизлиги бўйича чора-тадбирлар ишлаб-чиқиши шарт.

— қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

— буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

— қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги даъватномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

— молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайдан кучга киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 2022 йил 25 августгача.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2-илова)



Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини, ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро

белгилаган таркибдаги икки нусха икко ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## ХII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

— барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

— лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

— ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади. Бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.



59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.2 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50 фоизи миқдорига ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.



67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

#### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

##### «БУЮРТМАЧИ»

##### Зомин туман ободонлаштириш бошқармаси

Тел./факс 8-372-392-14-49

Зомин т. «Бирлик» МФЙ Е.Абдуллаев кўчаси

ШХВ: 100022860082187045204110007

ИНН: 201462789, ОКЭД: 90211

Молия Вазирлиги Газначилиги

ЯҒХ: 23402000300100001010

ИНН: 201122919



А.Юсупов,

##### «ПУДРАТЧИ»

##### Зомин туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси

Тел. 0 (372)-392-15-48 +99895 503-14-97  
+99893 940-63-01

Зомин тумани Мустақиллик кўчаси 104-уй.

Х/Р: 20211000030039526001

ТИФ «Миллий банк»

Жиззах вилоят бўлими

МФО: 00121 ИНН: 200 336 160

ОКОНХ: 42110 Инд:130800

E-mail:

zomin.diyoyol@mail.uz



У.Бўронов

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 116621 на приобретение Боймоқли қишлоқ йўли

Способ проведения электронный

Дата 10.07.2022

Время рассмотрения 10.07.2022 22:55

Конкурсная комиссия Зомин туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	YULDASHEV SHODIYOR BERDIYAROVICH	Urinbosar	Zomin OB
<b>Секретарь комиссии</b>	BEKCHURAYEV SADULLA ABDUSAMATOVICH	mahalla azosi	Боймоқли қишлоқ йўли
<b>Член комиссии</b>	URALOV UCHKUN ABDUGAFFAROVICH	D	D
<b>Член комиссии</b>	ESHONKULOV MAXMUD ALIQULOVICH	hisobchi	Zomin OB
<b>Член комиссии</b>	XAKIMOV ABDURAXMON XALIKULOVIH	mahalla azosi	Боймоқли
<b>Член комиссии</b>	AXMATOV NARZULLA XAYRULLAYEVICH	mahalla azosi	Боймоқли қишлоқ йўли

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.07.2022 года № лота 116621.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>
Подробное описание	Боймоқли қишлоқ йўли
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1796 690 072.00
Стартовая сумма	1796 690 072.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Техникалари мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BRK GULISTON	20	Йўл қилиш соҳасига оид бўлган барча техникаларга эгамиз.	18	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"OBOD ZOMIN_AVTO"	20	техникалар файлда тагдим этилмокда	17	Экспертная		
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	20	йул курилиш техникалари махсус техника ва жихозлар АБЗ лар руйхати тагдим килинди	20	Экспертная		

Критерий №2 Банк ва солиқдан қарзи йуклиги тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BRK GULISTON	20	Солиқдан қарзимиз мавжуд эмас	19	Экспертная		
"OBOD ZOMIN_AVTO"	20	солиқдан қарзи йук	17	Экспертная		
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	20	солиқдан банкдан қарзи йук	20	Экспертная		

Критерий №3 Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: .

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BRK GULISTON	20	корхонамиз сохага оид малакали ходимларга эгамиз. ишнинг мураккаблик даражасига қараб мутахассислар жалб қилиш имкониятимиз мавжуд	18	Экспертная		
"OBOD ZOMIN_AVTO"	20	инженер мастер ишчилар руйхати тагдим этилди	17	Экспертная		
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	20	инженер техник ходимлар доимий ишчилар руйхати ва лавозими тагдим килинди	20	Экспертная		

Критерий №4-Ташкилот низоми .руйхатдан утказилгани тугриисида маълумот нусхаси . ташкилот тақрибий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание: .

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BRK GULISTON	20	низом ва устав капитал	18	Экспертная		
"ОВОД ZOMIN_AVTO"	20	гувохнома тагдим этилмоқда	17	Экспертная		
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	20	гувохнома ва устав тагдим этилди	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	1 796 690 072.00	1 796 690 072.00 UZS	1 796 690 072.00	00.00	1 796 690 072.00	05.07.2022 15:20:40	14.99
ООО BRK GULISTON	1 796 690 072.00	1 796 000 000.00 UZS	1 796 000 000.00	00.00	1 796 000 000.00	04.07.2022 20:56:12	15.00
"ОВОД ZOMIN_AVTO"	1 796 690 072.00	1 796 690 072.00 UZS	1 796 690 072.00	00.00	1 796 690 072.00	05.07.2022 15:13:05	14.99

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК	85	14.99	99.99
ООО BRK GULISTON	77.5625	15	92.5625
"ОВОД ZOMIN_AVTO"	72.25	14.99	87.24

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 116621 от 10.07.2022 года на приобретение Боймоқли қишлоқ йўли определила победителем:

ЗОМИН ТУМАНИ ЙФУК  
200336160

и резервный исполнитель: ООО BRK GULISTON (204769688)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDASHEV SHODIYOR BERDIYAROVICH	Согласен	



Член комиссии	URALOV UCHKUN ABDUGAFFAROVICH	Согласен	
Член комиссии	XAKIMOV ABDURAXMON XALIKULOVIH	Согласен	
Член комиссии	ESHONKULOVI MAXMUD ALIQULOVIH	Согласен	
Член комиссии	AXMATOV NARZULLA XAYRULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП